

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

8-сон
(1028)
2022 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

80. «Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон қарори
81. «Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-139-сон қарори
82. «Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги ПҚ-141-сон қарори
83. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 февралдаги ПҚ-142-сон қарори

84. «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 февралдаги ПҚ-143-сон қарори

Учинчи бўлим

85. «Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори
86. «Томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

80

Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати са- марадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда республикада ер участкаларидан оқилона ва мақсад-
ли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни
ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар
амалга оширилмоқда.

Бироқ, худудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкалари-
дан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний курилмалар
куриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари уч-
раётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқа-
ли ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртаси-
да ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ер-
лар, айнинг, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қили-
нишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини
кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаш-
тириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8
июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга
бўлган хуқуқларни ишончли химоя қилиш ва уларни бозор активига ай-
лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармонида белги-
ланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш
соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари
зиммасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ
хўжалиги муомаласига киритиш билан боғлиқ республика ва маҳаллий
дастурларда белгилangan тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этили-
ши юзасидан назорат мунтазам назоратни ўрнатиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкала-
рини ажратишида Ер кодексида белгилangan талабларга риоя қилинишини
таъминлаш юзасидан доимий назоратни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш,
келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — «E-қагоғ» тизими-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 февралда
эълон қилинган.

ни (кейинги ўринларда — «Е-қагоғ» электрон тизими) доимий равишда мониторинг қилиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган карорларга нисбатан таъсир чораларини кўриб бориш;

ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноконуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда хукуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳволини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада хукуқни кўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

илғор хорижий тажриба асосида ердан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари, шунингдек, соҳага йўналтирилаётган тегишли бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотлари маблағлари мақсадли сарфланишини ўрганиб бориш.

2. Прокуратура органлари зиммасига юкланган қўшимча вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура таркибида 8 та штат бирлигидан иборат бўлган Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида эса умумий сони 56 та штат бирлигидан иборат бўлган Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўлимлари (кейинги ўринларда — бўлимлар) ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган Бошқарма ва бўлимлар прокуратура органларининг 32 та, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимининг 15 та, Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг 7 та, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 10 та штат бирликлари ни мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Бошқарма ва бўлимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармони билан ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Бош прокуратура ва худудий прокуратураларга юклатилган вазифаларнинг ижро этиб борилишини ташкиллаштирасин.

3. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2022 йил 1 марта бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноконуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича Бош прокуратура (1007 қисқа рақами) ва Кадастр агентлигига (1097 қисқа рақами) юборилган фотосурат ва видеоёзувлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камба-фалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шахар) хокимининг ёрдамчиларига (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) ўз ҳудудида қурилиши бошланган ҳар қандай бино ёки иншоотларнинг қонунийлигини аниқлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, қурилиш ва кадастр органларига сўров юбориш ҳуқуқи берилади, бунда:

мазкур сўровлар 5 иш кунида мажбурий тартибда кўриб чиқилиб, қурилиши бошланган бино ва иншоотларга рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тақдим этилади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сўровлар асосида олинган маълумотларни ўз биносида барча фуқаролар учун кўринарли бўлган жойда жойлаштиради ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни бир кунлик муддатда ер соҳасида назоратни амалга оширувчи органларга тақдим этади.

Кадастр агентлиги икки ой муддатда Ер кодексининг 84-моддасида назарда тутилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний фойдаланиш бўйича хабар берган шахсларни пул мукофоти билан рафбатлантириш тартибини Вазирлар Мажкамасига тасдиқлаш учун киритсан.

4. Белгилансинки, ерга оид ҳуқуқбузарликларнинг мониторингини юритиш бўйича яратилган «E-YER NAZORAT» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — «E-YER NAZORAT» тизими) такомиллаштириш мақсадида:

«E-YER NAZORAT» тизимига ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида киритиш ва ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш учун Кадастр агентлиги, Баш прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюро-си ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланади;

«E-YER NAZORAT» тизимида ер участкалари билан боғлиқ содир этилган жиноятлар бўйича маълумотлар харитаси алоҳида юритилади.

Кадастр агентлиги Баш прокуратура ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда бир ой муддатда «E-YER NAZORAT» тизимига қўзғатилган жиноят ишлари ҳакидаги маълумотларни киритиш тартибини белгиласин.

5. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатлари-га доир ҳужжатлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ташкил этилаётган Бошқарма Адлия вазирлиги билан биргаликда:

«Е-агор» электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатларини доимий равища мониторинг қилиб боради;

мониторинг натижаларига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофик

бўлмаган қарорлар юзасидан дархол прокурор таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Худудга за таъминот» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ:

уч ой муддатда ўз тизимидағи корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган ер участкаларини хатловдан ўтказсин ҳамда кейинчалик доимий равишда ер участкаларидан самарали фойдаланишини ўрганиб борсин;

хар чоракда ўзига тегишли бўлган ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни Бosh прокуратурага тақдим этиб борсин.

Мазкур бандда назарда тутилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига бириктирилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиши ҳамда улар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича шахсий масъулият юклатилсун.

7. «Ўзбеккосмос» агентлиги Кадастр агентлиги, манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар синов тарикасида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қиброй ва Тошкент туманларида ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний бино ва иншоатларни космик суратларни қайта ишлаш орқали аниқлаш чораларини кўрсинг.

Вазирлик ва идоралар «Ўзбеккосмос» агентлиги сўровига асосан унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминласин.

Бунда космик суратларни олиш ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар «Ўзбеккосмос» агентлиги ва Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан қопланади.

«Ўзбеккосмос» агентлиги Кадастр агентлиги ва Бosh прокуратура билан биргаликда ўтказилган синов натижаларидан келиб чиқиб, ушбу амалиётни республиканинг бутун худудида жорий этиш юзасидан таклифларни 2023 йил 1 марта қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсан.

8. Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларни ўзларининг юридик хизматлари, худудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари

бериш ҳақидаги қарорларини қўйидаги график асосида хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шахар) сектор раҳбарлари ҳамда хоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин:

2022 йил 1 майга қадар — 2016 — 2021 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2022 йил 1 августга қадар — 2006 — 2015 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2023 йил 1 январга қадар — 2006 йилгача қабул қилинган қарорлар.

«Ўзархив» агентлиги худудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда 2022 йил якунига қадар давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг буйруқларини хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шахар) сектор раҳбарлари ҳамда хоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин.

Хоким ёрдамчилари хатлов натижасида аниқланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида фуқароларга фаол амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Ер кодексининг 83¹-моддасида ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Аҳолини сифатли ва арzon озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш мақсадида:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги экин ерларидан оқилона ва самарали фойдаланилиши, режадаги экинларнинг экилиши ва парваришланиши ахволи бўйича ҳар чоракда камида бир маротаба мониторинг ўтказсин;

Кадастр агентлиги ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўрсин, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини кучайтиурсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлиги амалга оширилган ишлар натижаси ҳақида ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва Буш прокуратурага ахборот бериб борсин.

10. Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш юзасидан

тезкор-кидирув фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Тезкор-кидирув департаменти таркибида Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими, худудий тезкор-кидирув хизматларида эса Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлинмалари ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган тузилмалар 73 та штат бирлигидан иборат бўлиб, улар ички ишлар органларининг 30 та, адлия органлари ва муассасаларининг 43 та штат бирликларини мақбуллаштириш хисобидан шаклантирилсин.

11. Белгилансинки:

прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги ташкил этилаётган тузилмаларга ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Кадастр агентлигининг учувчииз учиш аппаратлари (дронлар)дан, заруратга кўра, тўловсиз фойдаланиш хукуқи берилади;

Ички ишлар вазирлиги Тезкор-кидирув департаменти таркибидаги Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими ва унинг худудий бўлинмаларининг ер муносабатларига оид жиноятларга қарши курашиш фаолияти устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органларининг мазкур қарор билан ташкил этилаётган бошқарма ва бўлимлари зиммасига юклатилади.

Кадастр агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги ташкил этилаётган тузилмаларга кўчмас мулк обьектлари, уларнинг мулкдорлари ва эгалик тарихи ҳақида маълумотларни Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳукуқларнинг Давлат реестридан онлайн олиш имкониятини яратсин.

12. Ҳукукни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббуси билан аникланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари бўйича давлат манфаатларига етказилган заарларни белгиланган тартибда ундиришдан тушган маблағларининг 10 фоизи тегишинча мазкур органларнинг бюджетдан ташкари жамғармаларига ўтказиб борилсин.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган таркибий тузилмалари ходимларини уларга юклатилган вазифалардан ташкари бошқа ишларга жалб қилиш қатъий тақиқлансан.

13. Олий суд:

2022 йил 1 апрелга қадар ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш билан боғлиқ ишларни кўриш амалиётини умумлаштириб, бу тоифадаги ишларни кўришда ягона амалиётни шаклантириш бўйича судларга зарурй тавсияларни берсин;

2022 йил 1 июлга қадар мулк ҳукуқи эътироф этилмаган кўчмас мулк обьектлари билан боғлиқ ҳолатларни батафсил ўрганиш ишларини ташкил этсин ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифларни киритсан.

14. Бош прокуратура манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бир-

галикда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Бош прокуратура мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг ташкилий-штат тузилмаларини тасдиқласин.

Молия вазирлиги Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тегишинча Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳамда ички ишлар органларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев, ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва Давлат солик қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Карор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлашириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
ПҚ-138-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

81

**Үй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари
саноатини қўллаб-кувватлашнинг қўшимча чора-тад-
бирлари тўғрисида***

Республикада қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, худудларда аҳоли учун арzon үй-жойлар қурилишини таъминлаш, үй-жой қурилиши бозорида талаб ва таклиф номутаносиблигини қисқартириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6244-сон Фармонига мувофиқ республиканинг 24 та туман ва шаҳарлари қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

1-иловага** мувофиқ республиканинг 8 та туманида хом ашёни қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш;

2-иловага** мувофиқ республиканинг 16 та туман ва шаҳарларида бошқа худудлар билан саноат кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш;

ҳар бир худудда камидан биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш обьектларини лойиҳалаштириш ва тайёр кўп қаватли үй-жойлар қуришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи үй-жой қурилиши кластерларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. 2022 йилда янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ва үй-жой қурилиши кластерларини ташки мухандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш дастури 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 марта бошлаб:

барча юридик шахсларга республикада ишлаб чиқариладиган цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнасини чекловларсиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида (квотасиз) экспорт қилишга рухсат берилади;

2024 йил 1 январга қадар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга (уларнинг ваколатли вакилларига) қурилиш материалларини барча мамлакатларга, шу жумладан че-гарадош давлатларга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 февралда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

харажатларининг 50 фоизигача микдорини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

5. Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хамда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан биргаликда:

2022 йил якунига қадар капитал бозорлари конъюнктурасидан келиб чиқиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 300 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган микдорда халқаро корпоратив облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш хамда уй-жой қурилиши кластерларини қўллаб-куватлаш учун 150 миллион АҚШ доллари микдорида Ҳукумат кафолатисиз хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6244-сон Фармонига кўра Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга ажратилган кредит линиясини 5 йил муддатга субординар қарз сифатида қайта расмийлаштириш чораларини кўрсинг.

6. Қурилиш вазирлиги қурилишда энергия тежамкор материалларни кенг жорий этиш орқали уй-жой қурилиши вақти ва таннархини пасайтириш максадида:

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик доимий равишда кўп қаватли уй-жойлар қурилишида мазкур қарорга 4-иловадаги рўйхатда келтирилган энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари юзасидан кенг тарғибот қилиб борсин;

«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК ва унинг филиаллари томонидан кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўtkазиш жараённада уларда энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллари қўлланганлигига алоҳида эътибор қаратилишини таъминласин.

7. 2022-2023 йилларда янги норуда конларини шакллантириш учун геология-қидирув ишларини амалга оширишнинг манзилли режаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга 5-иловага мувофиқ геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геология-қидирув ишлари учун ажратиладиган маблағлар доирасида 100 миллиард сўм микдорида маблағ ажратилади.

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси вилоятлар ҳокимларини билан биргаликда бир ой муддатда 400 та фойдали қазилма кон участкалари аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

9. Хоразм вилояти учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги «Инвестиция лойиҳаларини ташки инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5233-сон қарорига

* 5-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мувофиқ зарур ташки мұхандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати камида 50 миллиард сүм миқдорида белгилансин.

Бунда, ушбу тартибга кўра қиймати 50 миллиард сүмдан 200 миллиард сўмгача бўлган инвестиция лойиҳаларини ташки мұхандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш харажатлари ушбу лойиҳалар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

10. Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

12. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги Қурилиш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташки савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси хузуридаги Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш Раиси С.С. Аннакличев, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини мухокама килиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бosh вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
ПҚ-139-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 21 февралдаги
ПҚ-139-сон қарорига
4 ИЛОВА

**Кўп қаватли уй-жойлар қурилишида фойдаланилиши
тавсия этиладиган энергия тежамкор деворбороп
қурилиш материаллари
РЎЙХАТИ**

- Минерал тўлдиргичли енгил бетон буюмлар: шлакобетонлар (шлакопемзобетон, шлакосиликат, шлакогипс);

* 6-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

термозитобетонлар (керамзитобетон, керамзитосиликат, аглопоритобетон, аглопоритосиликат, перлитобетон, перлитосиликат, вермикулитобетон);
кулли бетонлар (золобетон, золосиликат, зологипс);

силикатобетонлар ёки бетоносиликатлар (аглопоритобетоносиликат).

2. Енгил органик тўлдиргичли бетонлар:

арболит (ёроқ қипиқли бетон, ёроқ қириндили бетон);

полистиролбетон (пенопластобетон);

фибробетон (полипропилен, полиэтилен, арамид, фибрали (толали) ҳамда мустаҳкамлиги юқори бўлган шиша, базальт, пўлат фибрали фибробетон, фибросиликат, фиброгипс).

3. Фовакли (фовак тузилмали) енгил бетонлар:

автоклав ёки табиий услубда қотирилган енгил бетон буюмлар.

4. Конструкцияли ва иссиқлик сақловчи бетонлар:

газобетон, газосиликат, газогипс (газогипсобетон);

кўпикли бетон (кўпиксиликат, кўпикгипс, кўпикгипсбетон);

аэрацияланган (фовакли) енгил бетон (аэроцияланган енгил силикат, кўпикгазбетон, кўпикгазсиликат, газкўпикбетон, газкўпиксиликат).

5. Фовакли ва ичи бўш керамика:

фовакланган керамика (керамик блок, қобик, термоблок, керамик тош);

фовакланган (фовакли) фишт (термофишт);

ичи бўш фишт ва қурилиш керамикаси.

6. Бошқа композит буюмлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 21 февралдаги
ПҚ-139-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4198-сон қарори 2-бандининг «в» кичик бандидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-43-сон қарори 10-бандининг биринчи хатбошисидаги «икки ой муддатда» сўзлари «2022 йил 1 августга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

82

**Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини такомил-
лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда Айдар-Арнасой кўллар тизимидан оқилона фойдаланиши таъминлаш, биологик хилма-хилликни сақлаш, балиқчиликни ривожлантириш, шунингдек, табиий сув ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, бугунги кунда мазкур кўллар тизимининг 45 фоизи ёки 179 минг гектар майдони ижарага берилмаган, балиқ овлаш кўрсаткичлари йилдан-йилга камайиб, 2017 йил кўрсаткичларига нисбатан икки баробарга пасайган, ноконуний балиқ овлаш ҳолатлари авж олиши билан бир қаторда, сафари, эко-, агро- ва бошқа туризм турларини ривожлантириш учун етарли муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ташкил этилмаган.

Айдар-Арнасой кўллар тизимидан самарали фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, худудда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазасини куҷайтириш, туризм салоҳиятидан тизимли фойдаланишини ташкил этиш мақсадида:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиб кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимларлари ҳамда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг:

Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонасини Сув хўжалиги вазирлиги муассислигидаги «Айдар-Арнасой кўллар тизими» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда — «Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖ) сифатида қайта ташкил этиш;

Жиззах ва Навоий вилоятлари худудида жойлашган Айдар-Арнасой кўллар тизимини белгиланган тартибда қайта ташкил этилаётган «Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖга балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун доимий равишда танҳо фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Куйидагилар «Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

сув ҳавзасида келгусида балиқларни кўпайтириш мақсадида балиқ чавоқлари етиштириш учун Айдар-Арнасой кўллар тизими худудида балиқ парваришлаш ва инкубация цехларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини таъминлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 февралда эълон қилинган.

балиқ овлаш ҳажмларини кўпайтириш, экспортбоп ва ракобатбардош балиқ маҳсулотлари етишириш бўйича технологик жараёнларни босқич-ма-босқич шакллантириш;

интенсив балиқ етиширишнинг замонавий технологияларини, шу жумладан қафас усулини кенг жорий этиш ҳамда табиий сув ҳавзала-рида маҳсулдорликни кўпайтириш хисобига балиқ овлаш ҳажмларини ошириш;

личинка ишлаб чиқариш бўйича янги инкубация цехларини ташкил этиш, балиқ чавоқлари етишириш ҳажмларини кўпайтириш, балиқ чавоқлари етишириш бўйича мавжуд ҳовузларни модернизация қилиш ва кен-гайтириш;

кўллар тизими худудида замонавий туризм инфратузилмаси объектла-рини (пляж ва сувда дам олиш туризми, кўллар қирғози бўйлаб сайр қилиш ўйлаклари, меҳмонхона мажмуалари, соғломлаштириш, савдо-қўнгилочар ва туристик аҳамиятга эга бошқа объектлар) барпо этиш ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ҳавас-корлик ва спорт балиқ овини ривожлантириш;

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида узок муддатли шартнома асо-сида замонавий енгил конструкцияли туризм инфратузилма объектларини ташкил этиш;

сув ҳавзалари ҳолатининг гидробиологик ва гидрокимёвий таҳлилини ташкил этиш;

Айдар-Арнасой кўллар тизимида сувдан фойдаланишга оид қонунчилик хужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фой-даланилишини ташкил қилиш;

худудда энергиянинг муқобил ва қайта тикланувчи манбаларини қўлла-ган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни жорий қилиш;

балиқ овлаш хўжаликларига сув ҳавзаси участкаларининг ижарага берилиши бўйича очиқ танлов ўтказилишини ташкил этиш ҳамда танлов ғолиблари бўлган балиқ овлаш хўжаликлари билан ижара шартномаси тузиш;

доимий равишда Айдар-Арнасой кўллар тизими худудида ободонлашти-риш, кўкаламзорлаштириш ва кўллар тубини чиқндишардан тозалаш иш-ларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) икки ой муддатда:

«Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖнинг бошқарув ходимлари тузил-маси тасдиқланишини;

«Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖ уставининг тасдиқланишини ва давлат рўйхатидан ўтказилишини;

«Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖ устав фонди шакллантирили-шини;

«Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖ ижро этувчи аппарати тасдиқ-ланган тузилма ва штатлар жадвалига мувофиқ юкори малакали мутахас-сислар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг «Арнасой» сув омбори худудида балиқ овлашга бир йил муддатга мораторий эълон қилинсин, бунда:

сув омбори худудида балиқ овлаш қатъян тақиқланади;

сувдан тўрлар ва ов қилиш қуроллари йигиб олинади;

сув омборини балиқлантириш мақсадида илмий-асосланган ўрганишлар амалга оширилади.

5. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев) икки ой муддатда:

«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК балансидаги маъмурӣ бино-иншоотлар ва мол-мулклар «Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖ балансига ўтказилишини;

«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК хисобидаги кредиторлик қарздорликлар Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси хисобидан тўлаб берилишини;

муқаддам «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК билан тузиленган ижара шартномалари бекор қилинишини таъминласин.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиков), Монополияга қарши курашиб қўмитаси (Ш.Ш. Шораҳметов), «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси (О.М. Мусаев) ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда тўрт ой муддатда «Айдар-Арнасой кўллар тизими» МЧЖни белгиланган тартибда инвестиция киритиш шарти билан танлов асосида ноёб турдаги балиқларни етиштириш, сув ҳавзаларини балиқлантириш, балиқни қайта ишлаш технологияси ва тажрибасига эга маҳаллий инвесторга (кейинги ўринларда — Инвестор) ишончли бошқарувга берсин, бунда Инвесторга 2022 — 2026 йиллар давомида қўйидагиларни амалга ошириш талаби юклатилади:

камида 30 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

инкубация цехлари ва репродуктор ҳавза имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда балиқ личинкалари ишлаб чиқариш қувватларини йилига 100 млн донага, балиқ чавоқлари етиштириш қувватларини 15 — 20 млн донага етказиш ҳамда мазкур балиқ чавоқлари билан кўллар тизимини балиқлантириш;

кўллар тизимидан йиллик балиқ овлаш ҳажмларини 15 минг тоннагача етказиш ҳамда океаник қафас (садок) мосламаларини ўрнатиш орқали кўшимча 5 минг тонна балиқ етиштириш;

кўллар тизимининг «Тузкон» кўли худудида «Балиқ ишлаб чиқариш» комплекси ташкил этиш ва ушбу комплексда йилига 3 минг тонна балиқни қайта ишлаш корхонасини ишга тушириш;

кўллар тизими ва унинг атроф-муҳит имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда инвестицияларни кенг жалб қилиш, маркетингни йўлга кўйиш ҳамда қайта ишлашни ривожлантириш асосида 1 000 та иш ўрнини яратиш;

худуддаги туризм салоҳиятини ошириб, унинг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳаваскор ва спорт балиқ ови туризмини кенгайтириш, сайдхларга хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш;

кўллар тизимининг биологик хилма-хиллигини саклаш, балиқ захираларини илмий ёндашган ҳолда кўпайтириш;

хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, кўллар тизимида шўр сувда балиқ захираларини кўпайтириш бўйича лаборатория марказини ташкил этиш;

кўллар тизими худудидаги коллектор-дренаж тармоқларини тўлиқ тозалаш.

Инвестор томонидан Ишончли бошқарув шартномасидан келиб чиқувчи барча мажбуриятлар бажарилган тақдирда шартноманинг амал қилиш муддати 49 йилгача узайтирилади.

7. Бош прокуратуранинг:

Айдар-Арнасой кўллар тизимини ривожлантириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасини Табиий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси деб қайта номлаш;

Жиззах ва Навоий вилоятлари прокуратураларининг таркибида Давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимларининг штат бирликларини қисқартириш хисобига 4 тадан штат бирлигидан иборат бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизимини ривожлантиришда қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимларини ташкил этиш;

Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларида табиий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчи лавозими ни прокуратура органларига ажратилган штат бирликлари доирасида (жами 11 та штат бирлиги) жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобоҷонов) ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Н.Н. Обломуродов) Айдар-Арнасой кўллар тизимида ов қилиш, балиқ овлаш, ҳайвонот, ўсимлик дунёсидан, сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш соҳасидаги хукуқбузарлар базасини шакллантириш ва таҳлил этиб бориш тизимини йўлга кўйсин;

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобоҷонов) Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев), Миллий гвардия (Р.М. Джураев) ва бошқа манбаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2022 — 2027 йилларда Айдар-Арнасой кўллар тизимида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин.

9. Вазирлар Мажкамаси:

бир ой муддатда Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини ташкил этишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида қарор лойихасини қабул килсин;

икки ой муддатда манбаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Жиззах вилояти (Э.А. Салиев) ва Навоий вилояти (Н.Т. Турсунов) ҳокимлари билан биргаликда Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида инфратузил-

мани ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев, сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев, Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 февраль,
ПҚ-141-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

83 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2021 йил 15 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транзит савдоши тўғрисидаги битим тасдиқлансан.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида Покистон томонига тегишли билдиришнома юборсинг.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг рахбарлари мазкур халқаро шартнома кучга кирганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг бажарилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 февралда эълон қилинган.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

III. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 февраль,
ПҚ-142-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**84 Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр
маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлашга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида ундан юқори қўшилган қийматли тайёр чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни жадаллаштириш мақсадида:

1. 2026 йилга қадар чарм-пойабзал, жун ва мўйначилик маҳсулотлари экспортини 2,8 бараварга кўпайтириш бўйича чораларни амалга ошириш Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда «Ўзчармсаноат» уюшмасининг устувор вазифаси этиб белгилансин.

2. Чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрлари 1 ва 1.1 — 1.14-иловаларга** мувофиқ;

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, сифат кўрсаткичларини ошириш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, ташки бозорлардаги тарғиботни кучайтириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳамда «Ўзчармсаноат» уюшмасининг туман (шаҳар)ларда терини қайта ишлашга ихтинослашган кичик саноат зоналарини ҳамда тайёр

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 февралда эълон қилинган.

** Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини (кейинги ўринларда — кичик саноат зоналари) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда белгилаб қўйилсинки:

а) кичик саноат зоналарини ташки мухандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида мазкур мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар хисобидан 90 млрд сўм маблағ ажратилади;

б) лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ташки инфратузилмани қуриштаъмирлаш учун маблағлар етишмаган лойиҳалар бўйича уларни қуриштаъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар, хусусан:

электр энергия ва газ тармоқлари бўйича — «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва унинг ҳудудий филиаллари ҳамда «Худудгазтаъминот» АЖ ўз маблағлари;

ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўллари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Жўкори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг қарорларига асосан тегишлилик бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари хисобидан копланади.

Вазирлар Махкамаси бир ой муддатда мазкур кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича тегишли Ҳукумат қарорини қабул қиласин.

4. Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларида умумий қиймати 60 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очилсин.

Бунда:

мазкур кредит линияси тижорат банкларидан келиб тушган талабномаларга асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2022 йил учун тасдиқланган харажатлари доирасида молиялаштирилади;

кредит линияси устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банкларига уларнинг талабномаларига асосан 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача йиллик 3 фоиз ставкада очилади;

тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига замонавий янги ускуна ва технологияларни харид қилиш учун 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача йиллик 5 фоиз ставкада кредитлар ажратилади.

5. Ташки савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С. Умурзаков) бир ой муддатда «Ўзчармсаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигининг масъулларини бириктирган ҳолда, 2022 — 2026 йилларда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари дастурларини тасдиқласин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзчармсаноат» ўюшмасининг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) Чарм-пойабзал, мўйначилик соҳаси корхоналари ва чорва молларини сўйиш ва терини қайта ишловчи ташкилотлар учун кўзда тутилган солик ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар узайтириш;

б) 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача қўйидагилар учун ижтимоий солик ставкасини 1 фоиз миқдорда ундириш:

ишлаб чиқарувчининг ялпи тушумида болалар, аёллар ва спорт пойабзаллари, сунъий (эко) чарм, фурнитура, пойабзал қолиплари ва тагликлари ишлаб чиқаришдан тушган тушумнинг улуши хисобот даври якуни бўйича камидা 60 фоизни ташкил қилган ишлаб чиқарувчилар;

ялпи тушумининг умумий ҳажмида пойабзаллар, чарм-атторлик маҳсулотлари ва мўйнадан тайёрланган буюмлар экспортидан тушган тушумнинг ҳажми 80 фоизни ташкил қилган ишлаб чиқарувчилар;

в) чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаси корхоналари томонидан хориждан жалб қилинадиган дизайннер, технолог ва маркетолог мутахассисларининг ойлик иш ҳақи билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, бироқ Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан, республиканинг бошқа ҳудудлари дагилар учун эса 2 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдордаги қисмини «Ўзчармсаноат» ўюшмасининг Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан қоплаб бериш.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги «Ўзчармсаноат» ўюшмаси билан биргаликда чарм-пойабзал тармоғи маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги тарғиботини кучайтириш мақсадида, тармоқдаги салоҳиятли тадбиркорларни жалб қилган ҳолда:

хорижий давлатларда чарм-пойабзал, чарм-атторлик, жун ва мўйначилик маҳсулотларини сақлаш ва сотишга мўлжалланган йирик улгуржи савдо омборлари ва савдо ўйларини ташкил қилиш;

чарм-пойабзал тармоғи маҳсулотлари билан халқаро кўргазмаларда қатнашиш орқали маҳаллий маҳсулотларни хорижда кенг тарғиб қилиш;

хар ўили икки маротаба (баҳор ва куз мавсумида) «UzCharmExpo» Халқаро чарм, пойабзал ва мўйна кўргазма-ярмаркасини ташкил этиш;

Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, республиканинг мазкур соҳалардаги имкониятлари ва салоҳиятини кенг ёритиш ишларини олиб бориш;

аутсорсинг ва франчайзинг асосида хорижий ҳамкорларни жалб қилишни кенгайтириш чораларини кўрсинг.

8. Белгилансинки, терини йиғиши, түлік хисобини юритиш ва түлік қайта ишлашга йұналтиришни рағбатлантириш мақсадида:

жисмоний шахсларнинг тери хомашёсінін йиғиши ва тайёрлаш фаолияти үзинін үзи банд қылган шахслар шуғулланиши мүмкін бўлган фаолият хисобланади;

ҳар бир туман кесимида ахоли зич яшайдиган маҳаллаларда чорва молларини сўйиш ва тери хомашёсінін йиғиби олиш бўйича кичик мобил хизматлар йўлга кўйилади.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларни ва «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда:

ҳар бир туман кесимида ахоли зич яшайдиган маҳаллаларда чорва молларини сўйиш ва тери хомашёсінін йиғиби олиш бўйича кичик мобил хизматларни йўлга кўйиш бўйича «манзилли лойихалар дастури»ни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

ветеринария-санитария фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга жавоб бермаган ҳолда фаолият кўрсатаётган күшхоналар ва чорва молларини сўйиш майдончаларини хатловдан ўтказсин;

хатлов натижалари асосида камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритсин, ноқонуний фаолият юритаётган күшхоналар ва қассоблар фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёларга мослаш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

ветеринария-санитария фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга жавоб бермаган ҳолда фаолият кўрсатаётган күшхоналар ва қассобларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлифлар киритсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан биргаликда Фарғона вилояти Марғилон шаҳри «Орол бўйи» маҳалласи тажрибаси асосида ўз худудидаги косибчилик ривожланган камидан бештадан маҳаллани танлаб олган ҳолда косиблар фаолиятини кенгайтириш бўйича манзилли лойихалар дастурларини ишлаб чиқиб, уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

Бунда, косиблар фаолиятини кенгайтириш бўйича лойихаларга имтиёзли кредитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ахолининг даромад манбанинни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-55-сон карорига мувоғиқ, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ҳамда «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига нисбатан кўзда тутилган шартларда ажратилади.

11. «Ўзчармсаноат» уюшмаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда чарм-пойабзал саноати корхоналарининг хорижий ва маҳаллий мутахассислари билан биргаликда Фарғона вилоятидаги Фарғона транспорт

ва сервис техникумда пойабзал ва чарм буюмларини лойихалаш ва моделлаштириш, ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари йўналишида ўқув ва амалиёт курслари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул килинсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан биргаликда Фарғона вилояти тажрибаси асосида кичик саноат зоналари ташкил этилаётган худудлардаги фаолият юритаётган касб-хунар коллежлари ва техникумларда чарм, мўйна хомашёси ва жун тайёрлаш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик махсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш йўналишларида ўқув ва амалиёт курслари ташкил этилишини йўлга қўйсин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзчармсаноат» уюшмаси 2022 йилдан бошлаб Туркияning Эгей, Буюк Британиянинг Нортгемптон, Россия Федерациясининг А.Н. Косыгин номидаги Россия давлат санъат, дизайн ва технология университети ва Санкт-Петербург давлат саноат технологиялари ва дизайн университети, Беларусь Республикасининг Витебск давлат технология университетида чарм-пойабзал соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим грантларини жалб қилиш ва таълим дастурларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

13. Техник жихатдан тартибга солиш агентлиги «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари бўйича ривожланган давлатларда тан олинган халқаро стандартлар ва сертификатлар рўйхатини шакллантирсин.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган вазифаларнинг ижросини ёритиб бориш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига З-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 февраль,
ПҚ-143-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 26 февралдаги
ПҚ-143-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim
хужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарори 10-бандининг тўртинчи хатбошиси «пойабзal қолиллари,» сўзларидан кейин «пойабзal тагликлари, устки қисмлари, желатин,» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдағи «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4453-сон қарорида:

- а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик ва тикув-трико-таж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ»;
- б) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ва терини қайта ишловчи корхоналар» сўзлари «ҳамда терини қайта ишловчи ва чармдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар» сўзлари билан алмаштирилсин;
- в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 авгуустдаги «Ўзчармсаноат» уюшмаси томонидан божхона тўловларидан озод қилинган ҳолда олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашёлар, материаллар ва фурниту-ралар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ф-5350-сон фармойиши рус тилидаги матнининг 1-бандидаги «до 1 января 2023 года» сўзлари «до 1 января 2026 года» сўзлари билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

85 Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида*

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, лицензиялаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш орқали норматив-хуқуқий ҳужжатлар сонини қисқартириш ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Куйидагилар:

Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низом 1-иловага мувофиқ;

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорларни республика даражасида қабул қилувчи ваколатли органларнинг шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашининг (кейинги ўринларда — Апелляция кенгаши) намунавий таркиби 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилаб кўйилсинки, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда «Лицензия» ахборот тизими орқали тушадиган сўровлар бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ахборот тизимлари орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилигига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

3. Лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорларни республика даражасида қабул қилувчи ваколатли органлар бир ой муддатда шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгаши таркибини тасдиқласин.

4. Лицензиялаш тартиб-таомилларини белгиловчи айрим норматив-хуқуқий ҳужжатларни «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига мувофиқлаштириш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш графиги 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 февралда эълон қилинган.

** 2-3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 3-илювасида келтирилган масъул вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига графикда белгиланган муддатларда тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилади.

5. Мазкур қарор 2022 йил 1 марта кучга киради.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар (лицензиат) учун мазкур қарор билан белгиланган лицензия талаб ва шартла-ри 2022 йил 1 июндан кучга киради.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни амалга оширадиган ваколатли органлар уч ой муддатда амалдаги лицензиатларнинг фаолияти мазкур қарор билан белгиланган лицензия талаб ва шартларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) лицензиялаш тартиб-таомиллари «Лицензия» ахборот тизими ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилишига ўтиши муносабати билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун манзилли ва предметли тарғибот тадбирларини амалга оширсин;

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

мазкур қарорга 3-илювада келтирилган лицензиялаш тартиб-таомилларини белгиловчи айрим норматив-хукуқий хужжатлар белгиланган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин;

ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-илювага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
80-сон

Вазирлар Махкамасининг
2022 йил 21 февралдаги 80-сон карорига
1-ИЛОВА

**Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини
лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Конунига мувофиқ амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолиятни «Лицензия» ахборот тизими орқали лицензиялаш, лицензиатлар фаолиятини назорат қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Лицензия олиш талаб қилинадиган фаолиятни «Лицензия» ахборот тизими ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали лицензиялаш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Низом қоидалари 2 — 29-иловаларда* келтирилган лицензиялашадиган фаолият турларининг паспортларида (кейинги ўринларда — Паспорт) назарда тутилган лицензияланадиган фаолият турларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Конуни билан белгиланади.

Амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият турлари билан лицензия олмасдан шуфулланиш тақиқланади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

лицензиат — фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензия — жисмоний ёки юридик шахсга бериладиган, лицензия талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда, фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш хукукини берувчи хужжат;

лицензиялаш — лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, лицензияни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тўхтатиш, шунингдек, лицензияни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тартиб-таомиллар мажмуи;

фаолиятнинг лицензияланадиган тури — Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган, конун билан белгиланадиган фаолият тури;

* 1 — 29-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури — фаолиятнинг лицензияланадиган тури таркибига киритиладиган фаолият турининг йўналиши;

талабгор — лицензияни олиш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

лицензияловчи орган — фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни амалга оширадиган давлат органи (унинг худудий бўлинмаси) ёки бошқа ташкилот;

«Лицензия» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Лицензия» АТ) — лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган, идораларо электрон ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлган маҳсус электрон тизим;

лицензия талаблари ва шартлари — фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуфулланишда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, мазкур Низомда ва у билан тасдиқланган Паспортларда белгиланган талаблар ва шартлар мажмуи;

лицензиялар реестри — берилган, узайтирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, тўхтатилган, бекор қилинган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари.

4. Талабгор лицензия олиш учун ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни «Лицензия» АТ ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали электрон шаклда юборади.

Аризалар «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вактидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда навбатдаги иш куни аризаларнинг лицензияловчи органга тушган ва лицензияловчи орган томонидан қабул қилинган кун хисобланади.

5. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик равишда «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали талабгорга юборилади.

Талабгор лицензия олиш учун тақдим қилган аризасининг кўриб чиқилиш ҳолатини «Лицензия» АТ орқали онлайн кузатиб бориши мумкин.

6. Лицензия лицензияловчи орган томонидан берилади. Паспортларда лицензиялаш тегишли ваколатли орган (кейинги ўринларда — келишиладиган орган) билан келишилиши зарурлиги белгиланиши мумкин.

7. Лицензия чекланмаган муддатга берилади, Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Конунида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

2-боб. Фаолиятни амалга ошириш талаблари ва шартлари

8. Куйидагилар лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш талаблари ва шартлари хисобланади:

Паспортларнинг 9-бандида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этиш;

лицензия олиш, қайта расмийлаштириш ва муддатини узайтириш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг сохта, ёлғон ва нотўғри эмаслигини таъминлаш;

Паспортларда тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ходимларга нисбатан талаб мавжуд бўлган тақдирда, ходимлар билан янги меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш ва уларни бекор қилиш холатларини, шунингдек, амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги маълумотларни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланган ҳолда юритиш;

юридик шахс ҳисобланган лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёхуд унинг хуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш кунида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида мурожаат қилиши;

жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтгандан кейин беш иш кунида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида мурожаат қилиш.

9. Фаолиятнинг лицензияланадиган тури ва (ёки) лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури учун алоҳида талаб ва шартлар Паспортларда белгиланади.

3-боб. Лицензия олиш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиши тартиби

10. Талабгор ёки унинг номидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахс ўз электрон рақамли имзосидан (кейинги ўринларда — ЭРИ) фойдаланган ҳолда лицензия олиш учун «Лицензия» АТ ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтади хамда фаолиятнинг лицензияланадиган турини, шу жумладан, хар бир кичик турини танлаб, электрон шаклда ариза тўлдиради.

Аризада фаолиятнинг лицензияланадиган туридан келиб чиқиб қўйидагилар акс эттирилади:

юридик шахс бўлган талабгор учун — солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР), раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлганда);

жисмоний шахс бўлган талабгор учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлганда);

талабгор амалга оширмоқчи бўлган фаолиятнинг лицензияланадиган тури ёки мазкур фаолиятнинг кичик тури;

фаолиятни амалга ошириш манзили;

Паспортларнинг 5-бандида белгиланган бошқа маълумотлар.

Паспортларда аризага айрим хужжатлар илова қилиниши лозимлиги кўрсатилиши мумкин. Илова қилинадиган хужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши керак.

11. Талабгордан ушбу Низомнинг 10-банди ва фаолият тури бўйича Паспортларнинг 5-бандида кўрсатилмаган маълумотлар ва хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

12. Талабгор ариза бериш вақтида амалга оширмоқчи бўлган фаолиятнинг лицензия талаблари ва шартларига мослигини ва уларга риоя этишини тасдиқлаши лозим.

13. Талабгор аризага нотўғри маълумотлар киритилганлигини аниқланади тақдирда, маълумотларни аризани кўриб чиқиш учун ундириладиган йифимни тўлашдан олдин, йифим ундирилмайдиган ҳолатларда эса аризани лицензияловчи органга юборишдан олдин ўзгартиришга ҳақли.

14. Аризани кўриб чиқиш учун Паспортларнинг 6-бандида белгиланган микдорда йифим ундирилади. Бунда Паспортларда айрим фаолият турлари бўйича аризани кўриб чиқиш учун йифим ундирилмаслиги назарда тутилиши мумкин.

Йифим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йифим суммаси кўйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий хисобварафига;

11,25 фоизи — ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи — ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус хисобварафига;

қолган маблағлар — лицензияловчи органнинг хисобварафига ўйналтирилади.

15. Аризага киритилган маълумотлар «Лицензия» АТ орқали идоралараро ҳамкорлик тизимларида мавжуд маълумотлар асосида дастлабки тарзда автоматик равишда тақосланади ва текширилади.

Ариза кўйидаги ҳолларда автоматик тарзда қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон маълумотлар киритилганлиги «Лицензия» АТ орқали аниқланганда;

Паспортларнинг 6-бандида назарда тутилган йифим тўланмаганда (йифим тўланиши назарда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно);

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши тасдиқланмаганда;

лицензия реестрида талабгорнинг айни бир хил фаолият бўйича киритилган ва амалда бўлган лицензияси мавжуд бўлган тақдирда;

талааборнинг айни бир хил фаолияти муайян муддатга тўхтатилганда;

талааборнинг тегишли фаолият билан шуғулланиши суднинг қарорига асосан муайян муддатга тақиқланганда.

Мазкур бандда кўрсатилганлардан ташқари бошқа асослар билан аризани қабул қиласликка йўл қўйилмайди.

16. Йифим тўланганидан сўнг ариза ва унга илова қилинган хужжатлар «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда лицензияловчи органга юборилади.

Аризани кўриб чиқиш учун йифим ундирилмайдиган ҳолларда ариза ва унга илова қилинган хужжатлар «Лицензия» АТ орқали дастлабки тарзда тақкосланиб текширилгандан сўнг талаабор томонидан «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали лицензияловчи органга юборилади.

Паспортларнинг 10-бандида белгиланган тақдирда, талаабор томонидан киритилган хужжатлар келишиладиган органларга ҳам бир вақтнинг ўзида юборилиши мумкин.

17. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор Паспортларнинг 8-бандида белгиланган муддатларда қабул қилинади.

Лицензияловчи орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида хужжатларни текшириши, заруратга кўра бошқа давлат органларида мавжуд, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни «Лицензия» АТ орқали мустақил равишда олиши, обьектларни жойига чиқиб ўрганиши, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун ўз ходимлари таркибидан ёки ўз ҳисобидан бошқа шахсларни жалб қилган ҳолда эксперт ва ишчи гурухлар ташкил этиши, шунингдек, талааборнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини белгилайдиган қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

18. Талааборнинг аризасини кўриб чиқишда бошқа органлар билан келишиш ва уларнинг хулосаларини олиш талаб этилса, келишиладиган органлар Паспортларнинг 10-бандида белгиланган муддатларда, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, аризани кўриб чиқишининг умумий муддати тугашидан 5 иш кунидан олдин, тегишли келишувни ёки хулосани тақдим этиши лозим.

Келишиладиган органлар томонидан тегишли келишувни ёки хулосани тақдим этиш учун обьектларни жойига чиқиб ўрганиши талаб этилса, факат ўзининг фаолият йўналишига тегишли бўлган қисми бўйича ўрганиш ўтказиши мумкин. Талаабор ўз обьектларини жойига чиқиб ўрганиш учун лицензияловчи ва келишиладиган органларга тегишли шароитларни яратиб бериши керак.

Келишиладиган органлар белгиланган муддатларда хулоса тақдим этмаган ҳолларда ариза ушбу органлар билан келишилган, хулосалар эса ижобий ҳисобланади. Бундай ҳолатда келишиладиган органлар юзага келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади. Бунда тегишли келишиладиган органларнинг хулосаларисиз лицензия бериш имкони бўлмагандан, талааборнинг аризасини кўриб чиқиш муддати ва тартиби бузилганиги учун келишиладиган органлар жавобгар ҳисобланади.

19. Лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни «Лицензия» АТ орқали ушбу қарорни қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг ЭРИси билан тасдиқлаш орқали қабул қиласди.

Қарор «Лицензия» АТ орқали реал вақт режимида автоматик тарзда талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.

20. Агар лицензияловчи орган Паспортларнинг 8-бандида белгиланган аризани кўриб чиқиш муддати мобайнида талабгорга лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, талабгор бу ҳақида лицензияловчи органни «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш хукуқига эга бўлади.

Талабгорнинг лицензияни олишни кутишга розилигини билдириши, унинг кейинчалик лицензияловчи органни хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошириш хукуқини чекламайди.

Ушбу банднинг биринчи хатбоисида назарда тутилган ҳолларда талабгор белгиланган давлат божи тўловини амалга оширгандан кейин «Лицензия» АТда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензия шакллантирилади ва талабгорнинг «Лицензия» АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади. Бунда талабгор фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ва лицензияловчи органлар юзага келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

21. Лицензия беришни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

лицензия берилиши учун зарур бўлган хужжатларнинг талабгор томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

талабгорнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;

талабгор томонидан тақдим этилган хужжатларда ёлғон ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

Паспортларга мувофиқ ўтказилиши шарт бўлган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг якунлари бўйича асосланган салбий хулоса олинганлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Талабгорнинг лицензия бериш ҳақидаги аризасини биринчи марта кўриб чиқиш жараёнида қўйидаги камчиликлар аниқланганда, уларни бартарапф этиш учун талабгорга муддат бермасдан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди:

лицензия берилиши учун зарур бўлган хужжатлар талабгор томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда;

ходимларнинг касбий малакаси қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

тақдим этилган хужжатлар ва дастурлар қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

лицензия талаблари ҳамда шартларига мувофиқ фойдаланиладиган бино

ва иншоотлар санитария-эпидемиологик ҳамда ёнғин хавфсизлиги талаблага-рига мувофиқ бўлмаганда.

Ушбу бандда кўрсатилган камчиликлар аниқланганда лицензияловчи орган уларни бартараф этиш учун талабгорга муддат берган ҳолда хабарнома юборади. Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома лицензияловчи орган томонидан «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП воситасида электрон шаклда талабгорга бир иш куни ичидаги юборилади.

23. Хабарнома тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуслари, шунингдек, талабгор кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Лицензияловчи орган аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга малакали ходимларни излашда, ҳужжатлар ҳамда дастурларни маромига етказиш учун мутахассисларни жалб этишда, шунингдек, лицензияни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам кўрсатиши ва тавсиялар бериши керак, бундан талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад этиши холлари мустасно. Лицензияловчи органнинг камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялари камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада батафсил ёритилади.

24. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда, лицензияни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати хабарномада кўрсатилган муддатга тўхтатиб турилади.

25. Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин тақдим этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда лицензияни беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

26. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорга рад этиш сабаблари, қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари ва талабгор мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади. Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидағи қарор олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

27. Талабгор лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

Талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги

аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар улар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда лицензияловчи орган томонидан такроран кўриб чиқилади. Талабгорнинг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим, агар улар лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган хужжатларни такроран тақдим этиш мумкин бўлган муддатда тақдим этилган бўлса, ундирилмайди.

Хужжатларни такроран кўриб чиқишида лицензияловчи орган томонидан талабгорга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин талабгор томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва лицензияловчи орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Талабгор лицензия бериш рад этилганлиги, шунингдек, лицензияловчи орган мансабдор шахсининг лицензиялаш тартиб-таомиллари билан боғлиқ харакати (харакатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

28. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензияловчи орган бу ҳақида шу куннинг ўзида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали талабгорга Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўлаш учун ҳисобварақ кўрсатилган хабарнома юборади.

Хабарнома юборилганлиги тўғрисида маълумот ҳамда талабгорнинг шахсий кабинетига юбориладиган бошқа маълумотлар талабгорнинг хоҳишига кўра мобил алоқа қурилмасига SMS-хабар шаклида ҳам юборилиши мумкин.

29. Талабгор хабарнома юборилган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда давлат божи тўловини амалга оширади.

Лицензияни бериш учун давлат божи тўлови белгиланган муддатда амалга оширилмаслиги лицензияловчи орган томонидан лицензияни бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиниши учун асос бўлади. Лицензия бериш тўғрисидаги қарор бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумот «Лицензия» АТ орқали автоматик тарзда талабгорга юборилади. Бунда талабгор лицензияни олиш учун умумий тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Давлат божи тўлови амалга оширилганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Давлат божи қўйидаги тартибда тақсимланади, башарти Паспортларнинг 7-бандида бошқача тақсимот назарда тутилмаган тақдирда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи — ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали

давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи — ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идораларо лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус хисобварафига;

қолган маблағлар — давлат бюджетига йўналтирилади.

30. Давлат божи тўланганидан сўнг «Лицензия» АТда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензия автоматик равишда шакллантирилади ва талабгорнинг «Лицензия» АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

31. Берилган лицензиялар ҳақидаги маълумот «Лицензия» АТда фаолиятнинг ҳар бир лицензияланадиган тури бўйича алоҳида юритиладиган лицензиялар реестрига автоматик равишда киритилади.

4-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш ва ўзгартириш тартиби

32. Юридик шахс хисобланган тадбиркорлик субъекти қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг хуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш кунида лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтгандан кейин беш иш кунида лицензияловчи органга лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Янгидан юзага келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айни бир фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар — тадбиркорлик субъектлари қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури учун тутатилганда ёки фаолият турлари бирлаштирилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилади.

Амал қилиш муддати чекланган лицензияни қайта расмийлаштиришда илгари берилган лицензиянинг амал қилиш муддати ўзгармайди.

33. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун хужжатлар лицензияловчи органга «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ундириладиган йифимнинг ярми ундирилади ва ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун давлат божи ундирилмайди.

34. Лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияловчи органга тушган кундан бошлаб беш иш куни ичida лицензия қайта расмийлаштириб берилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида амалга оширади.

Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Ушбу Низомнинг 32-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда лицензияловчи орган томонидан лицензияни қайта расмийлаштиришни рад этиш тақиқланади.

35. Амал қилиш муддати чекланган лицензияларнинг амал қилиш муддати лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали лицензиянинг амал қилиш муддати тутагунга қадар берилishi керак. Бунда лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилгунга қадар лицензияланадиган фаолият билан шуфулланишга йўл кўйилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади, бунда лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ундириладиган йифимнинг ярми ундирилади.

36. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун ундириладиган йифим ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорларда давлат божи ундирилади ва ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

37. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги қарор Паспортларнинг 8-бандида белгиланган муддатларда қабул қилинади.

38. Лицензиялар лицензиатнинг аризасига асосан лицензияловчи орган томонидан қўйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

лицензия асосида амалга ошираётган фаолиятини лицензияланадиган фаолият турининг бошқа кичик тури билан кенгайтиришда;

лицензия асосида фаолият юритаётган юридик шахслар томонидан ташкил этилган филиаллар ва ваколатхоналарнинг ушбу фаолият билан шуфулланишида;

юридик шахс ҳисобланган тадбиркорлик субъектининг фаолиятни амалга ошириш жойи ўзгарганда.

Ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар лицензиат фаолиятини амалга ошириш жойига нисбатан лицензия талаблари ва шартлари Паспортларнинг 9-бандида белгиланган такдирда,

лицензияни ўзгартириш тартибида ариза тақдим этилади. Лицензиат фаолиятни амалга ошириш жойига нисбатан талаблар ва шартлар белгиланмаган тақдирда, лицензияни кайта расмийлаштириш учун ариза тақдим этилади.

Лицензияни ўзгартириш лицензияни бериш учун назарда тутилган тартибида амалга оширилади, бунда аризани кўриб чиқиш учун йифимнинг ярми ундирилади ва ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

Ушбу бандда назарда тутилган харакатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида тегишли лицензияни берганлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида давлат божи ундирилади ва ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

39. Лицензиат лицензия асосида амалга ошираётган фаолиятини лицензияланадиган фаолият турининг бошқа кичик тури билан кенгайтириш хукуқига эга, бунда лицензиат лицензияни ўзгартириш хақида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали ариза тақдим этиши лозим.

Лицензиат маълум бир соҳада лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш хукукини берувчи лицензияга эга бўла туриб, худди шу соҳадаги алоҳида фаолиятнинг кичик турига лицензия бериш тўғрисида мурожаат килса, у томонидан лицензияловчи органга фақат кўшимча лицензия талаблари ва шартларини қаноатлантирадиган маълумотлар тақдим этилади. Бунда лицензияловчи орган томонидан фақат кўшимча қилинаётган фаолиятнинг кичик тури учун лицензия талаб ва шартларига лицензиатнинг мувофиқлиги ўрганилади.

Лицензиат томонидан фаолиятнинг кичик тури бўйича лицензия талаблари ва шартларини қаноатлантирадиган маълумотлар тўлиқ тақдим этиланда, лицензияловчи орган томонидан лицензиатнинг аввалги лицензиясига лицензияланадиган фаолият турининг бошқа кичик турига оид маълумотлар киритилган ҳолда ўзгартиришлар киритилади.

5-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва тўхтатиш

40. Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда лицензияловчи орган ташаббуси билан тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлиги аниқланганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органнинг лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори бажарилмаганда.

41. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш лицензияловчи орган ёки суд томонидан амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиши лицензияловчи орган томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса ўн кундан ортиқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Белгиланган муддат ичидә лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаб ва камчиликлар бартараф қилинмаса, лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатини узайтириш бўйича судга даъво ариза киритиши лозим.

Лицензиатлар ушбу Низомнинг 40-бандида назарда тутилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни лицензияловчи органлар ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида судга даъво аризаси киритади.

42. Лицензияланадиган фаолият билан шуғулланувчи жисмоний ёки юридик шахслар ўз фаолиятини вақтинча тўхтатганда лицензиянинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш ҳақида лицензияловчи органга мурожаат қилиши мумкин. Бунда жисмоний ёки юридик шахслар томонидан олти ой муддат ичидә лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида лицензияловчи органга мурожаат қилинмаган тақдирда, лицензиянинг амал қилиши тўхтатилади.

43. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори «Лицензия» АТ орқали ушбу қарорни қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг ЭРИси билан тасдиқлаш орқали қабул қилинади.

Қарор «Лицензия» АТ орқали реал вақт режимида автоматик тарзда лицензиатнинг шахсий кабинетига юборилади.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ҳақидаги қарор қабул қилинган куннинг ўзида бу ҳақида «Лицензия» АТдаги лицензиялар реестрига тегишли ёзув киритилади.

44. Лицензияловчи органлар ёки суд лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг лицензиат томонидан бартараф этилиши учун етарли, аммо беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаган муддат тақдим этади.

45. Лицензиат лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ҳақида қарор келиб тушганидан сўнг қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши ва қарорда кўрсатилган муддат якунлангунига қадар лицензияловчи органга «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома ва асословчи хужжатларни илова қилган ҳолда маълумот юбориши лозим.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарор суд томонидан қабул қилинган бўлса, камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома ва асословчи хужжатлар қарорда кўрсатилган муддат якунлангунига қадар судга тақдим этилиши лозим.

46. Камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумот тушган кундан бошлаб уч иш куни ичидә лицензияловчи орган маълумотларни таҳлил қилиши, заруратга кўра камчиликлар бартараф этилганлигини жойига чиқсан ҳолда ўрганиши лозим.

47. Таҳлил ёки ўрганишлар натижасида лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф

этилганлиги аниқланган тақдирда, лицензияловчи орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичидаги лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисидаги қарорни «Лицензия» АТ орқали қабул қиласди.

Бунда лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисидаги қарор уч иш кунида қабул қилинмаса, жисмоний ва юридик шахслар ушбу муддат тугандан сўнг лицензияловчи органни «Лицензия» АТ орқали электрон шаклда хабардор қилган ҳолда фаолиятини давом эттириши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисидаги қарор «Лицензия» АТ орқали реал вақт режимида автоматик тарзда талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.

48. Суднинг лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисидаги қарори тегишли лицензияловчи органга келиб тушганда, лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилиши қайта тикланганлиги тўғрисидаги маълумотни «Лицензия» АТга бир иш кунидан ошмаган муддатда жойлаштиради.

49. Лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш қўйидаги ҳолларда лицензияловчи органнинг қарорига биноан амалга оширилади:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилганда;

юридик шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек, янгидан юзага келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсда фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда, кўшиб юборилиши мустасно;

якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

жисмоний шахснинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

лицензия берганлик учун лицензиат тўлаши лозим бўлган давлат божи белгиланган муддатда тўланмаганда.

50. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш учун лицензияловчи органга «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали хабарнома юборади.

Лицензияловчи орган хабарномага асосан ёки мазкур Низомнинг 49-банди учинчи — олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар юзага келганда лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва бу ҳақида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали лицензиатга маълум қиласди. Шунингдек, лицензиянинг амал қилиши бекор қилинганлиги ҳақида «Лицензия» АТдаги лицензиялар реестрига маълумот киритади.

51. Лицензияловчи орган қўйидаги ҳолларда лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қиласди:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб кел-

ган ҳолатларни лицензияловчи орган ёки суд белгилаган муддатда барта-раф этмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

лицензиат лицензия талаблари ва шартларини бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба кўпол равишда бузганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса. Лицензиянинг бекор қилинишига асос бўладиган кўпол қоидабузарликлар Паспортларда назарда тутилади;

лицензия қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш юзасидан судга даъво аризаси киритилганлиги ҳақидаги маълумоти судга даъво аризаси киритилган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга «Лицензия» АТ орқали лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш юзасидан судга даъво аризаси киритиш сабаблари ва қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда етказилади.

Суднинг лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади ҳамда лицензияловчи орган ушбу маълумотни бир иш куни ичida лицензиялар реестрига киритади.

Лицензия ушбу банднинг бешинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, лицензия берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

52. Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиялаш тартиби бекор қилинганда;

лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлганда;

лицензияга эга бўлган жисмоний шахс вафот этганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида мурожаат берилиб, мазкур хатбошида назарда тутилган муддат давомида лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида лицензияловчи органга мурожаат қилинмаган тақдирда.

Лицензиянинг амал қилиш муддати тугаган ҳолларда лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

Лицензиянинг амал қилиши ушбу банднинг бешинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича тўхтатилган тақдирда, лицензияловчи орган бу ҳақида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали лицензиатга хабарнома юборади.

6-боб. Лицензияланадиган фаолиятларни назорат қилиш тартиби

53. Лицензиялар реестрига киритилган ҳамда фаолиятини амалга оши-

раётган лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши лицензияловчи орган (ёки унинг худудий бўлинмалари) томонидан назорат қилинади.

54. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилаётганда лицензияловчи органлар ўз ваколатлари доирасида қўйидаги хукуқларга эга:

лицензиатларни лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан текширишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда жойига чиқкан ҳолда ўтказиш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан текширувlar ўтказилаётганда юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

текширув натижалари асосида лицензиатлар йўл қўйган лицензия талаблари ва шартларининг аниқ қоидабузилишларини кўрсатган ҳолда далилатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, шунингдек, судга лицензиянинг амал қилишини олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, лицензияни бекор қилиш ташаббуси билан мурожаат қилиш;

лицензия бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги хукуқбузарликлар бўйича юридик шахсларга жарима кўллаш тўғрисида карор кабул қилиш, уни мажбурий ундириш бўйича судга даъво аризаси киритиш.

55. Назорат қилиш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

«Лицензия» АТ орқали масофавий назорат;

лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини асослар мавжуд бўлган тақдирда ва қонунчиликда белгиланган тартибда жойга чиқкан ҳолда текшириш;

статистик ахборотларни ва лицензиатлардан сўраб олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш.

56. Лицензияловчи орган масофавий назоратни «Лицензия» АТ имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда лицензиатнинг ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинганилиги тўғрисида тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, бошқа ваколатли органлар ва идоралардан олинган ахборотлар асосида амалга оширади.

Масофавий назоратни амалга оширишда лицензиялар реестрига киритилган лицензиатларнинг лицензия талаблари ва шартларини бузиш ҳолатлари тўғрисида «Лицензия» АТ орқали автоматик равишда келадиган хабарлар лицензияловчи органнинг шахсий кабинетига келиб тушади. Ушбу хабар орқали лицензияловчи орган лицензиатларнинг фаолиятини таҳлил қиласди ва ўрганади. Бунда лицензияловчи орган лицензия талаблари ва шарт-

ларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича лицензиатларга кўрсатма бериши шарт.

Лицензиатлар масофавий назорат асосида лицензияловчи орган томонидан берилган кўрсатмада баён этилган талабларни ўн иш куни ичидаганинига бажариши ва бу хақида лицензияловчи органга хабар бериши лозим.

Кўрсатма лицензиатлар томонидан ўз вақтида ижро этилмагандаги ёки бажарилиши таъминланмагандаги лицензияловчи орган «хавфни таҳлил қилиш» тизими асосида уларнинг фаолиятини текшириши мумкин.

57. Лицензиатнинг фаолиятини жойига чиққан ҳолда текшириш қўйидагилар асосида амалга оширилади:

«хавфни таҳлил этиш» тизими;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари;

«Лицензия» АТ орқали юборилган лицензиялаш соҳасидаги қонунчилик хужжатларини бузишга доир ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида жисмоний шахсларнинг маълумотлари.

58. Лицензиатнинг фаолиятини жойига чиққан ҳолда ўтказиладиган текширишлар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя килиш бўйича вакил билан келишган ҳолда амалга оширилади.

59. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини жойига чиққан ҳолда текшириш ўн кунгача бўлган муддатда ўтказилиши лозим.

Лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда ўтказиладиган текширишдан бош тортиш лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўладиган харакат хисобланади.

60. Тегишли фаолият билан лицензиясиз шуфулланиш ҳолатлари билан боғлиқ қонун бузилишлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида аниқланган тақдирда, уларни рағбатлантириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Лицензияловчи органлар қарори ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби

61. Талабгор / лицензиат белгиланган тартибда лицензияловчи органнинг: қарорлари ва хужжатлари устидан;

mansabdar shahslari harakatlari (harakatsizligi) ustdidan shikояt kiliishi mumkin.

62. Талабгор / лицензиат шикоятни:

худудий даражадаги лицензияловчи органга нисбатан унинг юкори турувчисига;

республика даражасида лицензияловчи органга нисбатан ушбу идорада ташкил этилган Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашига (кейинги ўринларда — Апелляция кенгаши) тақдим этади.

Талабгор /лицензиат белгиланган тартибда лицензияловчи органнинг қарори ҳамда унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан бевосита судга шикоят қилишга хақли.

Конунчиллик ҳужжатларига мувофиқ шикоят бошқа ваколатли органларга ҳам берилиши мумкин.

63. Республика даражасида Апелляция кенгаши таркиби лицензияловчи органнинг раҳбари томонидан беш нафар таркибда тасдиқланади. Апелляция кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакили кузатувчи сифатида иштирок этади.

Апелляция кенгаши йиғилиши унинг аъзоларининг тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

64. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шикоят қарор (бошқа ҳужжат) тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан ёки талабгор /лицензиатга лицензияловчи органлар қарори ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддати, агар у узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган бўлса, шикоятни кўриб чиқувчи орган томонидан тикланиши мумкин.

65. Шикоят ёзма, оғзаки (шахсий қабул ёки ишонч телефони орқали) ёки электрон шаклда («Лицензия» АТдаги шахсий кабинет, электрон почта ёки ваколатли органнинг расмий веб-сайти орқали) берилади ва унда қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни амалга оширган ваколатли органнинг номи;

шикоят берган жисмоний шахснинг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса — унинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили), СТИР;

шикоят берган шахснинг талаблари;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);
шикоят берилган сана.

Шикоят ёзма шаклда берилганда шикоят қилувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

66. Жисмоний шахс оғзаки шикоят (шахсий қабул орқали) қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса — ўз ваколатларини тасдиқладиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятларда талабгор /лицензиатнинг электрон манзили ва ягона идентификатори (ЖИШШИР/СТИР) ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилиши керак.

Шикоятда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги талабгор /лицензиатнинг шикоятини кўриб чиқиши натижаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда қабул қилишга бўлган розилигидир.

67. Шикоятни олган юкори турувчи ваколатли орган ва Апелляция

кенгаши шикоят берилаётган карор, харакатлар (харакатсизликлар) тўғрисидаги тегишли ахборотни шикоят олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичидаги ўрганиш учун сўраб олиши лозим.

Апелляция кенгашининг шикоят бўйича йиғилиш материалларини тайёрлаш республика даражасидаги лицензияловчи органнинг юридик хизмати томонидан амалга оширилади.

68. Талабгор/лицензиатнинг талабига кўра шикоят унинг иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

Бунда юқори турувчи лицензияловчи орган ва Апелляция кенгаши талабгор/лицензиатнинг истагига кўра муҳокамани видеоконференц алоқа воситаларидан фойдаланган холда ўтказишини таъминлаши шарт.

Видеоконференц алоқа режимида шикоятни кўриб чиқиш учун техник ва бошқа шароитларни таъминлаш лицензияловчи органнинг марказий аппаратига ёки тегишли худудий бўлинмасига юкландади.

69. Шикоятни кўриб чиқиш якуни бўйича баённома тузилиши ва ушбу баённома юқори турувчи лицензияловчи орган ва Апелляция кенгашининг раҳбари томонидан имзоланиши керак.

Юқори турувчи лицензияловчи орган ёки Апелляция кенгаши шикоят бўйича ўн беш кун ичидаги қарор қабул қилиши шарт.

70. Шикоят берган талабгор/лицензиат шикоят бўйича қарор қабул қилингунига кадар уни чақириб олишга ҳақли. Шикоятни чақириб олиш ёзма (шикоятни йиғилишда кўриб чиқиш жараёнида) ёки электрон шаклда («Лицензия» АТ орқали) расмийлаштирилади.

71. Юқори турувчи лицензияловчи орган ёки Апелляция кенгаши шикоят бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

устидан шикоят қилинаётган қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

устидан шикоят қилинаётган қарорга ўзгартишлар киритиш;

қарорни бекор қилиш ва зарур бўлган тақдирда, янги қарор қабул қилиш;

лицензияловчи орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига берилган шикоят моҳияти бўйича муайян харакатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш.

72. Шикоят Апелляция кенгаши томонидан кўрилаётганда юзага келадиган масалалар унинг аъзолари томонидан бир овоздан ҳал қилинади. Ҳеч бир аъзо овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакили овоз бериш жараёнида иштирок этмайди ва унинг фикри Апелляция кенгаши аъзолари учун тавсиявий тусга эга.

73. Лицензияловчи органнинг қарори устидан шикоят қилинган тақдирда, шикоят юқори турувчи лицензияловчи органда ёки Апелляция кенгашида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан қарорнинг амал қилиши ва ижро этилиши тўхтатиб турилади, бундан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно.

8-боб. Лицензиялар реестрини юритиш тартиби

74. Лицензиялар реестри «Лицензия» АТда электрон шаклда фаолият-

нинг хар бир лицензияланадиган тури бўйича алоҳида юритилади ва ундағи маълумот барча учун очик ҳисобланади.

75. Лицензиялар реестри автоматик тарзда шакллантирилади, унинг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш лицензияловчи органлар томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органлар лицензиялар реестрини юритишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя қилиши лозим.

76. Лицензияловчи органлар қўйидаги маълумотларни лицензиялар реестрига ўз вақтида киритиб боришга жавобгар:

- лицензия қайта расмийлаштирилганлиги;
- лицензия ўзгартирилганлиги;
- лицензиянинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги;
- лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги;
- лицензиянинг амал қилиши қайта тикланганлиги;
- лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганлиги;
- лицензия бекор қилинганлиги.

77. Хар бир лицензиялар реестрида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

лицензиатнинг реестр тартиб рақами, унинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва ташкилий-хуқуқий шакли, юридик манзили, юридик шахс учун солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахс учун жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

лицензияловчи орган номи;
реестрга киритилган сана;
филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги ахборот;
фаолиятнинг лицензияланадиган тури;
фаолият олиб бориш манзили;
лицензиатга фаолиятнинг рухсат этилган хар бир кичик тури;
лицензиянинг амал қилиш муддати — чекланган муддатга бериладиган лицензиялар учун;

лицензиянинг ҳолати (амалда, тўхтатиб турилган, бекор қилинган, тўхтатилган);

лицензия ҳолати хар бир ўзгаришининг асослари ва санаси.

78. Лицензиатлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар базаси лицензияловчи органлар фойдаланиши учун шакллантирилади ва унда лицензиялашда киритиладиган барча маълумотлар ҳамда илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари сақланади.

Ушбу маълумотлар базасида лицензиялар реестрида киритилмаган ахборотлар мавжуд бўлган тақдирда, лицензияловчи органлар томонидан ушбу ахборотлар бошқа шахсларга ошкор қилиниши тақиқланади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

79. Лицензиат лицензия талаб ва шартларининг бажарилганлиги юза-

сидан лицензияловчи органга сохта, ёлғон ёки нотўри маълумотлар берганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

80. Лицензияловчи орган (уларнинг мансабдор шахслари) лицензиатга нисбатан қўллаган жавобгарлик чоралари, шунингдек, лицензияни тўхтатиб туриши ва /ёки бекор қилиши ноқонуний деб топилган тақдирда, лицензиатга келтирган заарларни қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда қоплайди.

81. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари мазкур Низом таблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, «Лицензия» АТ орқали доимий мониторинг олиб боради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айrim қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 2-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига 5-илованинг 16-банди «б» кичик банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Суурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 1-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга илова.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қофозлар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Курилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш хақида» 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 3 — 6 иловалар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш хақида» 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга илова.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 мартағи 99-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1-илова.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 11 августдаги 384-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 5 июлдаги 155-сон қарорига илованинг 1-банди «б» кичик банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорига 6-илованинг 2-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илованинг 14, 16, 22 ва 26-бандлари.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳукукий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгарттириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонуни)» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига 1-илованинг 30, 36 ва 37-бандлари.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга илова.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорининг 6-банди ҳамда қарорга 5-илова.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгарттириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да» 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон қарори)» 2008 йил 4 июлдаги 151-сон қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ-163-сон Қонуни)» 2008 йил 2 октябрдаги 221-сон қарорига 1-илованинг 8 ва 11-бандлари.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 29 декабрдаги 284-сон қарорига 3-илова.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2009 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга илова.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига 2-илова.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ-163-сон ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2008 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ-183-сон Қонулари)» 2009 йил 22 декабрдаги 323-сон қарорига илованинг 7-банди.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси худудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошиси ҳамда қарорга 1-илова.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-283-сон Қонуни)» 2011 йил 7 июндаги 163-сон қарорига илованинг 1-банди.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-292-сон Қонуни)» 2012 йил

1 февралдаги 26-сон қарорига илованинг 2, 3, 4, 7, 12, 23, 34, 37 ва 41-бандлари.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон Фармони)» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-илованинг 23, 28, 32, 36, 56, 81 ва 89-бандлари.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарори)» 2013 йил 23 августдаги 233-сон қарорига илованинг 9-банди «б» кичик банди.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрядаги ПФ-4483-сон Фармони)» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 26-банди «в» кичик банди.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сон Конуни)» 2014 йил 3 марта даги 45-сон қарорига 1-илованинг 27-банди.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон қарори)» 2014 йил 17 июлдаги 196-сон қарорига 1-илованинг 4, 8, 10 ва 13-бандлари.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига илованинг 8, 9, 12, 14 ва 15-бандлари.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702 сон Фармони)» 2015 йил 27 июнданги 171-сон қарорига илованинг 10-банди «б» кичик банди.

33. Вазирлар Маҳкамасининг ««Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2015 йил 15 сентябрдаги 266-сон қарорига 2-илованинг 1-банди «а» кичик банди.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2015 йил 3 июнданги ЎРҚ-387-сон ҳамда «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида» 2015 йил 25 августдаги ЎРҚ-392-сон Қонулари)» 2015 йил 23 сентябрдаги 274-сон қарорига илованинг 7-банди.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 9 декабрдаги 354-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 1, 2 ва 3-иловалар.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-398-сон Қонулари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига 1-илованинг 46-банди.

37. Вазирлар Маҳкамасининг ««Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 3 июнданги 188-сон қарорига 4-илованинг 1-банди.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон қарори)» 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига 1-илованинг 64-банди «д» ва «е» кичик бандлари.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 майдаги 284-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1 — 5-иловалар.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 июнданги 405-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга илова.

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон қарори)» 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарорига илованинг 11, 18 ва 27-бандлари.

42. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўrsatiшнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрядаги ПФ-5278-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 12 декабрядаги ПҚ-3430-сон қарори)» 2018 йил 22 январдаги 40-сон қарорига илованинг 24 ва 25-бандлари.

43. Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат таълим хизматлари кўrsatiш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 27 мартағи 241-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 1-илова.

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарори.

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 мартағи ПФ-5379-сон Фармони)» 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илованинг 38-банди.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўrsatiш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорига 6-илованинг 2-банди.

47. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть-газ тармоғида лицензиялаш тартиботларини қискартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнесни юритишин яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 июндаги 444-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 1 — 5-иловалар.

48. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қискартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритишин шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармони)» 2018 йил 5 июлдаги 503-сон қарорига илованинг 4-банди.

49. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармони ҳамда «Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3573-сон қарори)» 2018 йил 16 июлдаги 539-сон қарорига илованинг 15-банди.

50. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида» 2018 йил 10 сентябрдаги 716-сон қарори.

51. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ўюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошиси ҳамда қарорга 1-илова.

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатдан ўtkазиш натижаларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2018 йил 24 октябрдаги 862-сон қарорига 2-илованинг 3-банди.

53. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармони)» 2018 йил 29 октябрдаги 884-сон қарорига илованинг 2, 4 — 6, 10, 14, 19, 20, 22, 36, 41 ва 42-бандлари.

54. Вазирлар Маҳкамасининг «Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида» 2018 йил 29 октябрдаги 885-сон қарори.

55. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»

2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон қарори» 2018 йил 19 ноябрдаги 934-сон қарорига илованинг 5 ва 6-бандлари.

56. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорига 6-илованинг 9-банди.

57. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида» 2019 йил 10 январдаги 15-сон қарори.

58. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идораларо коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПФ-5527-сон Фармони)» 2019 йил 23 февралдаги 161-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.

59. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4058-сон қарори)» 2019 йил 6 марта 195-сон қарорига илованинг 9-банди.

60. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармони ҳамда «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон қарори)» 2019 йил 29 апрелдаги 361-сон қарорига илованинг 1-банди.

61. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида айrim фаолият турларини лицензиялаш ва аккредитация килиш тўғрисида» 2019 йил 7 майдағи 381-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбоиси ҳамда қарорга 1-илова.

62. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4007-сон қарори)» 2019 йил 13 майдаги 398-сон қарори.

63. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4007-сон қарори)» 2019 йил 13 майдаги 398-сон қарори.

ликаси Президентининг «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон қарори)» 2019 йил 3 июндаги 457-сон қарорига 1-илованинг 5 ва 37-бандлари.

64. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 1-илованинг 5-банди «б», «в», «г», «д», «е», «ж» ва «з» бандлари.

65. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш милий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида» 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарори)» 2019 йил 2 июлдаги 548-сон қарорига илованинг 7 ва 8-бандлари.

66. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони)» 2019 йил 2 июлдаги 549-сон қарорига илованинг 2-банди.

67. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиши» йиллик ҳисботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон қарори)» 2019 йил 10 августдаги 661-сон қарорига илованинг 1, 5 ва 45-бандлари.

68. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 — 2021 йилларда Республикасининг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон Фармони)» 2019 йил 17 августдаги 678-сон қарорига илованинг 3-банди.

69. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 23 августдаги 707-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1-илова, 2-илованинг 3-банди.

70. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 21 сентябрдаги 793-сон қарорига 4-илованинг 2-банди.

71. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида» 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

72. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш ҳакида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартағи ПФ-5690-сон Фармони)» 2019 йил 21 октябрдаги 886-сон қарорига илованинг 14, 16, ва 21-бандлари.

73. Вазирлар Маҳкамасининг «Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига 5-илованинг 13-банди.

74. Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларини асрашга доир фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида» 2019 йил 20 декабрдаги 1021-сон қарорининг 1-банди хамда қарорга 1-илова.

75. Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 24 декабрдаги 1028-сон қарорига 5-илованинг 2-банди.

76. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар микдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 27, 38, 43, 51, 70, 97, 162, 167, 206, 220, 232-бандлари ва 210-банди «а» кичик банди, 147-банди «а», «б» кичик бандлари, 290-банди «а» кичик банди.

77. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон қарорига 4-илованинг 3-банди «в» кичик банди ва 5-илованинг 3-банди.

78. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори)» 2020 йил 14 январдаги 24-сон қарорига илованинг 2, 3, 6-бандлари ва 16-банди «а» кичик банди.

79. Вазирлар Маҳкамасининг «Аффинаж фаолиятини лицензиялашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 февралдаги 86-сон қарорининг 2-банди хамда қарорга 1 ва 2-иловалар.

80. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси худудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томо-

нидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2020 йил 9 апрелдаги 206-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга илова.

81. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга карши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон ва «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонлари)» 2020 йил 14 апрелдаги 217-сон қарорига 2-илованинг 10-банди.

82. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 6 мартағи ПҚ-4230-сон қарори)» 2020 йил 8 майдаги 271-сон қарорига 1-илованинг 53-банди.

83. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 20 майдаги 301-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга илова.

84. Вазирлар Маҳкамасининг «Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 23 майдаги 328-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1-илова.

85. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида («Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни)» 2020 йил 16 июндаги 384-сон қарорига 1-илованинг 3, 6, 15, 17, 18, 25, 26, 29, 30 ва 32-бандлари.

86. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 де-

кабрдаги ПҚ-4546-сон қарори)» 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига 1-илованинг 27-банди.

87. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошиси ҳамда қарорга 1-илова.

88. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 26 сентябрдаги 588-сон қарорига илованинг 2-банди.

89. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 17 ноябрдаги 722-сон қарорига илованинг 3-банди ва 7-банди «г» кичик банди.

90. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорига 4-илованинг 2-банди, 5-банднинг «в» кичик банди ва 9-банднинг «в» — «ж» кичик бандлари.

91. Вазирлар Маҳкамасининг «Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2020 йил 30 ноябрдаги 757-сон қарори.

92. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2020 йил 13 августдаги ЎРҚ-632-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори)» 2020 йил 2 декабрдаги 764-сон қарорига илованинг 1-банди «а» кичик банди.

93. Вазирлар Маҳкамасининг «Каннabis ўсимлигини гиёхвандлик во-ситалари ва психотроп моддалар ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштириш ва фойдаланиш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 7 декабрдаги 770-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар.

94. Вазирлар Маҳкамасининг «Айrim турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарорига 5-илованинг 3, 5 ва 7-бандлари.

95. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тарти-

би тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида» 2021 йил 27 апрелдаги 242-сон қарори.

96. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларини бош-кариш хуқуқини берувчи хайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун имти-хонларни ўтказиш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 4 майдаги 272-сон қарорига илованинг 1-банди.

97. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартишилар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбе-кистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида» 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сон Қонуни)» 2021 йил 20 майдаги 320-сон қарорига 1-илованинг 13-банди.

98. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартишилар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон қарори)» 2021 йил 29 майдаги 334-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИНГ ҚАРОРИ

86 Томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар- ни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Томорқадан фойдаланиш самараадорлигини ошириш, шунингдек, ахолининг тадбиркорлик ташаббус-ларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида» 2021 йил 16 декабрдаги ПҚ-54-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Томорқадан фойдаланиш самараадорлигини ошириш, шунингдек, ахолининг тадбиркорлик ташаббус-ларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида» 2021 йил 16 декабрдаги ПҚ-54-сон қарорига мувофиқ томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида 2026 йил 1 январга қадар томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 февралда эълон қилинган.

этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи микдорида, бирор 150 млн сўмдан ортиқ бўлмаган микдорда субсидия бериш ҳамда 2022 йилда ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаси ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тегишли маблағлар йўналтирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олиш учун томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган шартлар;

томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган ҳолда омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмига субсидия олиш бўйича талабгорларнинг аризаларига асосан манзилли рўйхатларни шакллантириш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» давлат муассасасининг «Агросубсидия» ахборот тизими орқали талабгорлар томонидан субсидия ажратиш бўйича ариза билан бирга тақдим этиладиган хужжатлар тўплами ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби;

томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартиби;

омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратилишини ва Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаси ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармаси билан талабгор ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилишини мониторинг қилиш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки:

томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига 2026 йил 1 январга қадар омборхоналарни

жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан субсидия берилади;

омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан хулоса берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2023 — 2025 йиллар учун мўлжалланган параметрларида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия бериш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
81-сон

Вазирлар Мажкамасининг
2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарорига
ИЛОВА

**Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш
ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни
жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш
харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2022 — 2025 йилларда томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

манзилли рўйхат — омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиб, кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари рўйхати;

омборхоналарни жиҳозлаш — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган ёпик турдаги бинолар хамда совиткичи омборхоналарда маҳсулотларни сақлаш учун қулайликлар яратиш қурилмалари, шунингдек, совитиш учун ишлатиладиган жиҳозлар, омборхона деворлари учун ишлатиладиган панеллар ва бошқалар;

субсидия — омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун юридик шахсларга (томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари) давлат томонидан бериладиган пул маблағи;

талаабгорлар — томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган ҳолда омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олиш бўйича мурожаат қилган тадбиркорлик субъектлари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлашга мўлжалланган автоматлаштирилган асбоб-ускуналар, технологиялар (линиялар).

3. Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2022 й.

кистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 4 та йўналиш бўйича, жумладан, омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Жамғармада очиладиган маҳсус шахсий ғазна ҳисобварафида юритилади.

Бунда молия йили якуни бўйича Жамғарманинг маҳсус шахсий ғазна ҳисобварафида фойдаланилмай қолган маблағлар келгуси молия йили учун субсидия беришда сарфланади.

4. Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартиби ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Субсидия ажратиш шартлари

5. Омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олиш учун тадбиркорлик субъектлари:

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган; томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган;

фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган эгалик ёки бошқа мулкий хукуқ, шунингдек, ижара хукуки асосида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш бино ва иншоотларига ҳамда зарур техник-технологик воситаларга эга бўлиши;

омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари талабгор томонидан манзилли рўйхатга киритиш учун ариза берилган санадан кейин харид қилинган;

омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарининг хариди бўйича тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбавалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан экспертизадан ўтказилган бўлиши лозим.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Талабгорларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш тартиби

6. Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган ҳолда омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмига субсидия олиш бўйича талабгорларнинг аризалирига асосан манзилли рўйхат ҳар йили бир марта шакллантирилади.

7. Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятларда томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи республика ишли гуруҳининг намунавий таркиби ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ тузилади.

8. Омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олишни хоҳловчи талабгорлар манзилли рўйхатга кириш учун ариза билан ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёки Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» давлат муассасасининг «Агросубсидия» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Агросубсидия» АТ) орқали туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига мурожаат қиласиди. Талабгорлар аризани ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ тўлдирган ҳолда электрон шаклда юборади.

9. Талабгорлар аризага кооперация асосида иш ташкил этганлигини тасдиқловчи туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi ва туман ҳокими ёрдамчисининг тавсияномасини илова қиласиди.

10. Талабгорларнинг тизимга келиб тушган аризасига ўзига хос рақам (идентификация рақами) бириктирилади.

11. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi томонидан талабгорнинг аризаси рад этилганда, талабгор ҳужжатлар бўйича камчиликларни бартараф этган ҳолда ҳар йили 1 апрелга қадар қайта тақдим этиши мумкин.

12. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi туман молия бўйими билан бирга беш иш кунида талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва илова қилинган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

13. Ўрганиш натижаларига кўра талабгорларнинг манзилли рўйхати шакллантирилади ва манзилли рўйхат туман молия бўйимининг бошлиги томонидан имзоланиб, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси томонидан тасдиқланади.

* 2-3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олиш бўйича талабгорларнинг манзилли рўйхатини сифатли шакллантириш, тақдим этилган маълумотларнинг аниқлилиги юзасидан жавобгарлик туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси, туман молия бўлимининг бошлиғи, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси ҳамда туман ҳокими ёрдамчисига юкланди.

15. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi тасдиқланган манзилли рўйхатни ҳар йили 15 апрелга қадар республика ишчи гурухига тақдим қиласди.

16. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi талабгорларга омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олиш бўйича талабгорларнинг манзилли рўйхатига киритилганлиги тўғрисида ҳар йили 20 апрелга қадар санани кўрсатган ҳолда хабарнома юборади.

17. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi томонидан талабгорларнинг аризасини рад этиш тўғрисида карор қабул қилинганда, талабгорларга аризаси рад этилганлиги хақида уч иш кунида ёзма ёки электрон шаклда хабарнома юборилади. Бунда аризани рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилиши шарт.

18. Талабгорлар туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг манзилли рўйхатга киритишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

19. Республика ишчи гурухи худудлар ва туманлар кесимида омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олишни хоҳловчи талабгорларнинг манзилли рўйхатини беш иш кунида таҳлил қилган ҳолда умумлаштиради ва тасдиқлайди ҳамда ҳар йили 20 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва Жамғармага тақдим этади.

4-боб. Талабгорларнинг субсидия ажратиш бўйича ариза билан мурожаат қилиш ва аризани кўриб чиқиш тартиби

20. Омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олиш бўйича талабгорларнинг манзилли рўйхатига киритилган талабгорлар субсидия олиш бўйича аризани ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклда тўлдирган ҳолда, ЯИДХП ёки «Агросубсидия» АТ орқали туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига электрон шаклда юборади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилинганилигини тасдиқловчи ҳужжат (тузилган олди-сотди шартномаси ва тўлов топширикномаси) нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги хузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК хulosаси.

Туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан талабгорлардан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга ўйл қўйилмайди.

21. Туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман молия бўлими билан бирга талабгорлардан субсидия ажратиш ҳақидаги ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиниб, уларнинг ўрнатилганини жойига чиқсан ҳолда ўрганиди.

Ўрганиш натижалари бўйича ижобий хulosса қилинган тақдирда, ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шаклдаги хulosса икки нусхада расмийлаштирилади. Хulosанинг биринчи нусхаси туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашида 5 йилгача сақланади ва иккинчи нусхаси субсидия олувчи талабгорларга берилади.

22. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 20-21-бандларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаган тақдирда, туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хulosаси ушбу Низомга 6-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

23. Талабгорлар туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш хуқуқига эга.

24. Туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosалар ва маълумотларни хulosалар расмийлаштирилгандан кейин уч иш кунида Республика ишчи гурухига тақдим этиб боради.

25. Республика ишчи гурухи туман фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosалари ва маълумотларини беш иш кунида ўрганиб чиқади ва тахлил қиласди. Заруратга кўра, талабгорларнинг таклифларини жойига чиқсан ҳолда ўрганиди.

26. Республика ишчи гурухи ўрганиш натижаларига кўра, талабгорларга субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хulosани ушбу Низомга 7-иловага* мувофиқ шаклда ёки талабгорларга субсидия ажратиш

* 5 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мақсадға мувофиқ әмаслиги түғрисидаги хulosани ушбу Низомга 8-илова-га* мувофиқ шаклда расмийлаштиради.

5-боб. Субсидия ажратиш тартиби

27. Республика ишчи гурухи ҳудуд ва туман кесимида талабгорларга омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-ни қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатла-рининг бир қисмига субсидия ажратиш мақсадға мувофиқлиги түғрисидаги хulosаларни ҳамда умумлаштирилган маълумотларни хulosалар расмийлаш-тирилгандан кейин уч иш кунида Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-лигига ва Жамғармага тақдим этади.

28. Жамғарма ва талабгорлар ўртасида тузиладиган шартнома қонун-чилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

29. Жамғармага ажратилган маблағлар ҳисобидан субсидия ажратиш бўйича шартнома тузилгандан кейин уч иш кунида талабгорларнинг тижорат банкларидағи асосий ҳисобваракларига бюджет ҳисоби ва ҳисботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган «UzASBO» дастурий мажмуи орқали ўтказиб берилади.

6-боб. Субсидия ажратилишини ҳамда Жамғарма ва талабгорлар ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилишини мониторинг қилиш тартиби

30. Талабгорларнинг тижорат банкларидағи ҳисобваракларига субсидия ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиб берилиши мониторинги Жамғарма томонидан «UzASBO» дастурий мажмуи билан маълумот алмашиш орқали амалга оширилади.

31. Жамғарма ва талабгорлар ўртасида тузилган шартнома шартлари-нинг бажарилиши ҳамда омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналаридан самарали ва мақсадли фойдаланиш туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ва туман молия бўлими томонидан назорат қилинади.

32. Агар талабгорлар томонидан шартнома шартларининг бажарилмас-лик ҳамда омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналаридан самарали ва мақсадли фойдаланимаслик ҳолатлари аниқланса, бу ҳақда туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ва туман молия бўлими тегишли далолатномани расмийлаштиради. Ушбу далолатнома Жамғар-ма ва талабгорлар ўртасида тузилган шартномани бекор қилиш учун асос бўлади.

* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

33. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгани тузилган далолатномага мувофиқ талабгорларга олинган субсидияни масъул идора учун очиладиган махсус шахсий ғазна хисобварағини кўрсатган ҳолда қайтариш тўғрисидаги огоҳлантириш хатини юборади.

34. Талабгорлар огоҳлантириш хатини олган кундан бошлаб бир ой муддатда субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, субсидияни мажбурий ундириш масаласи суд тартибида ҳал қилинади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

35. Субсидия беришда юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Бунда тарафлар ўртасида келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилмаган такдирда, низолар суд тартибида ҳал қилинади.

36. Томорқа хўжаликлирида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоклаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан назорат қилинади.

37. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

